



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 4 февраль, жума, № 5 (388)

Сотувда нархи эркин

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди.**

Ҳайъатда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги «Иш ҳақини ўз вақтида тўлаши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик субъектлари раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорининг бажарилиши тўғрисида» агентлик иқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилаш бўлими бошлиғи А. Ҳўжаев маъруза қилди. Маърузачи агентликда бу қарор қандай бажарилганлиги ва олиб борилган чора-тадбирлар хусусида тўхталиб ўтди. «Авлар йили» ва «Маънавий-маърифий масалаларга бағишланган тадбирларнинг бажарилиши ақунлари ҳақида» Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Назаржоновнинг маърузаси тингланди. Ушбу тад-

бирларни амалга ошириш учун жойларда режалар тўзилгани ва кенг куламли ишлар олиб борилгани хусусида маърузачи маълумот берди.

«Почта ва телекоммуникациялар соҳасида маркетинг тадқиқотлари лойиҳалари тўғрисида» агентлик маркетинг тадқиқотлари ва таърифлар бўлими бошлиғи Ю. Мўхчи маъруза қилди. Маърузада бу борада амалга оширилган ва оширилажак ишлар хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июлдаги «Частота спекторидан фойдаланиш, теледастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорининг бажарилиши ҳақида Давлат Алоқа инспекцияси бошлиғи Г. Зиёев маъруза қилди. Маърузачи бу хусусда тўхталар экан Давлат Алоқа инспекцияси ўтган йилда олиб борган ишлар ҳақида маълумот берди.

Ҳайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**И. АҲМЕДОВ**

## МАЖЛИС ЎТКАЗИЛДИ

«Фаргона Телеком» ҲЖда ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йил иқтисодий ҳўжалик фаолияти ақунлари ва 2000 йилдаги вазифаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Кун тартибига қўйилган масала бўйича «Фаргона Телеком» ҲЖ бош директори Д. Тошматов маъруза қилди.

Мўҳокамаларда Қўқон шаҳар филиали директори Н. Акбаров, Фаргона шаҳар филиали директори М. Носиров, Марғилон шаҳар филиали директори А. Исоқов, ушбу филиал дебитор қарзларни қаматириш гуруҳи бошлиғи Х. Иброҳимов, Олтиариқ филиали директори М. Мирзақаримов, Яйпан филиали директори А. Яшиевлар 1999 йилда алоқа хизмати курсатиш бўйича амалга оширилган ишлар, ютуқлар ва камчиликлар ҳамда келгуси режалар тўғрисида гапиришди.

Йиғилишда «Маҳаллий Телеком» АК бош директори А. Ҳ. Журабоев иштирок этиб, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида эришилган ютуқларни қайд этди, йўл қўйилган хато ва камчиликларни танқид қилди.

Кун тартибидеги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ф. УМАРОВА,  
Фаргона вилояти**

**Сўнгги йилларда республикамиз алоқачиларининг хорижлик ҳамкасблари билан самарали ҳамкорлиги янада жонланди. Мутахассисларимизнинг хорижда иш ўрганиб, малака ошириб қайтишлари одатий ҳўлага айланмоқда. Буларнинг барчасига, албатта, истиқлол яратган кенг имкониятлар тўғрисида эришилмоқда. Яқинда «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси (ДАК) бош директорининг биринчи ўринбосари К. Т. ТўЛЕБОВЕВ Жанубий Кореяда хизмат сафари билан бўлди.**

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙўЛИДА

— Қурол Тўлебоевич, мазкур мамлакатта қилган хизмат сафарингиздан қўзланган мақсад нима эди?

— «Ўзбекистон почтаси» ДАК Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликларидеги ҳамкасблари билан ҳамкорликда «Ата КЕУ» номли қўшма корхона тузишга қарор қилган эди. Бу борадаги барча ҳўжатларни ҳам тайёрлаб қўйган эдик. Қўшма корхона жаҳон талабларига ва ўзимизнинг ички почта талабларига жавоб берадиган хатхиллар, почта бланкалари, ойнахатлар каби почта маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилди. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида қўшма корхонанинг Жанубий Кореянинг 51 фойз, Бирлашган Араб Амирликларининг 23, Ўзбекистоннинг 26 фойз улушлари қўшилган низом жамғармаси тузилди. Ҳамкорлар зарур бўлган барча босмаҳона жиҳозларини етказиб беришди. Асосий вазифа ана шу жиҳозларни монтаж қилиш ва ишга тушириш эди. Жанубий

Кореядаги заводга бориб, у ердаги ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита танишиш иш режамизда бор эди. Худди шу мақсадда хизмат сафарига отландим.

— Ҳўш, қўзланган мақсадга эришилдимми?

— Ҳа, албатта. Мен Жанубий Кореядаги заводда бўлдим. У ердаги ишлаб чиқариш жараёниларини ўз кўзим билан кўрдим. Сафар сўнггида завод вакилини ўзим билан юртимизга олиб келдим. Айни шу кунларда қўшма корхонамизда жанубий корейлик ҳамкасбимиз иштирокида барча босмаҳона жиҳозларини монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Насиб қилса жорий йилнинг биринчи чорагида қўшма корхонамиз ўз маҳсулотларини чиқара бошлайди. Тўғри, қўшма корхонада дастлаб хатхиллар ишлаб чиқарилади. Кейинроқ эса ойнахатлар, почта картчалари, бланкаларини тайёрлаш йўлга қўйилади.

— Жанубий Кореядаги почта корхоналари иши ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Сафар чоғида жуда кўп почта корхоналари бўлдим. Барча почта корхоналарида мижозлар учун ҳам, корхона ходимлари учун ҳам етарли шарт-шароитлар яратилган. Сеулдаги энг йирик почта жўнатмаларини қайта ишлаш Марказида бўлдим. Бу ерда барча ишлар автоматлаштирилган. Ходимлар махсус иш кийимлари билан таъминланган. Почтачиларнинг шинам, озода иш жойлари-

ни кўриб ҳавасингиз келади. Марказда бир кунда 4 миллион дона хабар қайта ишланади. Компьютерлар Марказ ишлаб чиққан махсус дастур бўйича ишлар экан. Марказда мана шу ойдан бошлаб эса янги дастур асосида ишлашга ўтилади. Барча сайё-ҳаракатлар мижозларга тез ва сифатли хизмат курсатишга қаратилган.

— Хизмат сафаридан яна қандай таассуротлар билан қайтдингиз?

— Жанубий Кореяда кичик хусусий корхоналар жуда кўп экан. Ҳалқи ҳам биз ўзбеклардек, меҳнаткаш халқ. Улар вақтдан умуми ва оқилона фойдаланишди. Менимча, шу сабабли ҳам Жанубий Корея ривожланиётган мамлакатларнинг бирига айланган. Жанубий корейлик ҳамкасблар билан йўлга қўйган ҳамкорлигимиз катта самаралар беради деб ўйлайман.

— Саманий суҳбатингиз учун ташаккур.

**Абдугани  
АБДУРАҲИМОНОВ  
суҳбатлашди**

Тирикчилик илинжида кимдир югуриб елади, меҳнат қилади. Ҳалол пешона тери эвазига болачақасини боқади. Кимдир эса қинғир йўллар билан бойлик орттироқчи бўлади. Утган йилнинг охирида Бекобод шаҳар судида бир жиноий иш кўриб чиқилди. Айбланувчилар уч киши эди. Судда 19 ёшли Ҳайитбой Сангилбоев, Фарҳод Ҳамидов, воёга етмаган Акмал Убайдовлардан иборат уошган гуруҳнинг жиноий қилмишлари очиб ташланди. Ҳали уч гулидан бир гули очилмаган бу йиғитлар қалтис йўлга кириб, жиноят содир этишди. Ҳеч жойда ишламайдиган, ота-онаси була туриб саёқ юрган бу йиғитлар пул топиш мақсадида Бекобод шаҳрининг 13-дахасидаги 68-уйнинг ертўласига кириб, 15 метр узунликдаги 18 минг сўмлик алоқа кабелларини кесиб олиб кетишди. Утирилган кабелларни Ҳ. Сангилбоев бозорга олиб чиқиб, номаълум кишига арзон гаровга, яъни 3 минг сўмга сотиб юборди.

Бу иш силлиқина амалга ошгандан кейин, ҳар уччаласи яна Бекобод шаҳар Марказий иссиқхона рупарасидаги қудуқ олдига келишди. Ҳ. Сангилбоев эси билан бирга теши, Ф. Ҳамидов эса пичоқ олиб келишди. Ҳ. Сангилбоев ушбу анжомлар билан қудуқ ичига тушади. Фарҳод ҳамда Акмаллар эса қоровуллик қили-

шади. Улар 20 метр узунликдаги 24 минг сўмлик алоқа кабеллини кесиб олишди. Ана шундай жиноят устига милиция ходимлари келиб қолишди. Милицияни кўриб қолган қоровуллар қудуққа тушган ширинини ташлаб, жуфтанин ростлашди. Жиноий тўда бошлиғи Ҳ. Сангилбоев қўлга тушади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деб шун-

Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармониға кура белгиланган жазодан озод қилинди. «Тошкент Телеком» ҲЖ Бекобод филиалига етказилган 42 минг сўмлик зарар судланувчилардан ундириб олинган бўлди.

Афсуски, кабель ўтирлаш ҳўлатлари нафақат Тошкент вилоятида, балки республикамизнинг бошқа

• Қилмиш-қидирмиш

## МИС ҲҒРИЛАРИГА ЖАЗО ҚАТЪИЙ

га айтсалар керак-да.

ҲҒрилларнинг қилмишлари тўғрисида Бекобод шаҳрида қанчадан-қанча хонадон ва идораларда телефонлар «кар-соқов» бўлиб қолди. Қанча одамнинг асаби бузилди. Алоқани тиклаш учун сарфланган меҳнат, оворагарчиликларни айтмаймиз? Корхонага етказилган 42 минг сўмлик моддий зарарчи?

Айбларига тўла иқроор бўлган уошган гуруҳ аъзоларидан ҳар бирининг қилмиши алоҳида ҳисобга олиниб, ҳўкм ўқилди. Ҳайитбой Сангилбоев ва Фарҳод Ҳамидовлар мол-мулки мусодара қилиниб, 4 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Улар жазони умумий тартибдаги колонияларда ўташди. Акмал Убайдов эса Ўзбекистон Республикаси

вилоятларида ҳам содир этилмоқда. Жойларда эҳтиёт чоралари қўриляпти. Матбуотда мақолалар везилмоқда. Жумладан, мис утирилари тўғрисида «Хабар» газетасида мақола босилганди. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазоланаётган жойларда ҳамон алоқа кабеллари ўғирланмоқда. Халқ манфаатидан ўз чўнтагини устун қўйган бир ҳўвуч кимсалар шундай жиноятни содир этишавтган экан, уларга қаттиқ жазо тайин этилиши мўқаррар.

**А. ИБРОҲИМОВ,  
жамоатчи муҳбиримиз,  
Тошкент вилояти**

Бухоро шаҳар электралоқа боғламасида 340 нафара киши меҳнат қилади. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма кумитаси боғлама ишчи-хизматчилари ва муҳандис-техник ходимларни ижтимоий муҳофазалашга эътиборни кучайтириб келмоқда. Утган йилда ҳам бу муҳим масала диққат марказда бўлди. Жумладан, Наврўз байрами арафасида корхонада узоқ йиллар меҳнат қилган 75 нафар пенсионерга 63750 сўм миқдорда моддий ёрдам курсатилди. Аънанвий касб байрами – алоқа ходимлари кўни муносабати билан эса пенсия олувчиларнинг ҳар

телефон хизматидан бепул фойдаланиш имконига эгадирлар. 10 йилгача иш стажига бор кишилар эса телефон хизмати ҳақининг 50 фоизини тўлайдилар. Бундан ташқари корхона ишчи-хизматчиларига бир ой давомида 10 дақиқа телефонда шаҳарлараро сузлашув хизматидан бепул фойдаланиш имтиёзи ҳам белгиланган.

Ишчи-хизматчилар ва уларнинг болаларини соғломлаштириш масалалари ҳам касаба уюшмасининг доимий диққат-эътиборида. Утган йилда меҳнат жамоаси аъзоларидан бир неча кишига «Ситораи Моҳи Хосса»,

гиланди. Ҳозирги пайтда таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилган тарихий обидалардан бири – Чорбакр меъморий мажмуасида бир йўла 2 та телефон ўрнатилиб, бу борада жами 91 минг сўмлик иш бажарилди. Шунингдек, бу ерда абонент ҳақи ва бошқа хизматлар учун маблағни шаҳар электралоқа боғламаси доимий равишда тўлайдиган бўлди. Вилоят Қизил Ярим ой жамияти жамоаси учун ҳам узаига хос энгиллик берилиб, 50 минг сўм миқдордаги телефон хизмати тўловлари электралоқа боғламаси ҳисоб

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРИБ

бирига 900 сўмдан пул мукофотлари берилди. Юртимиздаги энг катта байрам – Мустақиллик байрамида ҳам 71 нафар меҳнат фахрийси эътибордан четда қолгани йўқ. Уларга 1200 сўмдан, жами 85200 сўмлик моддий ёрдам курсатилди.

Қатор йиллардан бери боқувчисини йўқотган оилалар ҳам маъмурият ва касаба уюшма кумитасининг сай-ҳаракати билан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Бундай оилаларга моддий ёрдам тариқасида уларнинг 9 нафар вояга етмаган болаларига жами 7650 сўм ажратилди. Умуман касаба уюшма кумитаси утган жорий йил давомида 25 нафар кам таъминланган ишчи-хизматчиға умумий миқдори 29150 сўмлик моддий ёрдам берди.

Маъмурият ва касаба уюшма кумитаси уртасида тузилган жамоа шартномасига мувофиқ корхонада 10 йил ва ундан ортиқ ишлаган кишилар

«Чимён», «Турон», «Зомин» санаторияларига йўланмалар берилди. Ёзги соғломлаштириш мавсумида эса «Ёш алоқачи» болалар оромгоҳига 219 та бепул йўланма ажратилди. Ушбу мақсадлар учун 1 миллион 95 минг сўм сарфланди. Боқувчисини йўқотган оилалардаги 9 нафар болага ҳам ёз мавсуми давомида 18 та йўланма берилди.

Ишчи-хизматчиларнинг оммавий равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини таъминлаш муҳим вазифалардан биридир.

Аёллар йили муносабати билан ўтказилган шаҳар, вилоят миқёсидаги спартакиадаларда электралоқа боғламаси ишчи-хизматчилари юқори ўринларни эгаллаб, республика баҳсларида фаол иштирок этдилар.

Электралоқа боғламаси томонидан кейинги пайтда шаҳардаги қатор корхона ва ташкилотларга телефон хизматидан фойдаланиш бўйича имтиёзлар бел

бидан қўллангани. Вилоят футбол федерацияси ва кузи охишлар жамияти учун ҳам маълум миқдордаги телефон хизмати ҳақлари бепул бўлди.

Бухоролик афғон уруши иштирокчиларидан 21 кишига, Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда қатнашган 2 кишига имтиёзли равишда, уруш қатнашчилари ва ногиронларидан эса 11 кишига бепул тарзда телефонлар ўрнатиб берилди. Ана шу мақсадлар учун шаҳар электралоқа боғламаси маъмурияти томонидан 176400 сўм сарфланди.

Хуллас, корхона маъмурияти ва касаба уюшма кумитаси уртасида тузилган жамоа шартномаси изчил бажарилмоқда. Шубҳа йўқки, бу ибратли тадбирлар 2000 йилда ҳам давом эттирилади.

**А. ИСТАМОВ,**  
*жамоатчи мухбириниз,*  
*Бухоро вилояти*

## МИЖОЗЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Мирзабиканинг Ҳужайли туманида почтани бўлиб ишлаётганига йигирма олти йилдан ошди. Шу вақт ичида у қанчадан-қанча газетажурналлар, сон-саноксиз хат-хабарларни эгаларига етказиб берди.

— Утган йилларимга ачинмайман, — дейди биз билан суҳбатда Мирзабика. — Чунки ана шу йилларимни халқим учун хизмат қилишга бағишладим. Кўпчиликнинг раҳмату олқишларини эшитдим. Менинг бахтим, ҳурсандчилигим боиси ҳам ана шунда.

Мирзабиканинг кўплаб шогирдлари бор. Шогирдларининг айримлари у билан елкамаелка хизмат қилишмоқда. Аноргул Шарипова, Жамол Иسمетов, Жалғас Исмагамбетовлар Мирзабикани устозимиз дейишади.

Мирзабика хатжилдлар сотиш, газ, электр энергияси учун хизмат ҳақларини йиғиш каби ишларни бажаради, мижозларга алоқа хизматидаги янгилик, узғаришларни тушунтириб боради.

— Мана, ёшим ҳам эликка яқинлашиб қолди, — дейди Мирзабика. — Агар мўъжиза руй бериб ёшариб қолсам, яна почтачилик касбини танлаб, умримни халққа хизмат қилишга бағишлардим.

Азиз касбдошим, эллик ёшингиз муборак бўлсин! Халқ бахтига сиздек фидокор аёл-оналар омон бўлишин!

**Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,**  
*Қорақалпоғистон Республикаси,*  
*Ҳўжайли тумани*

### • Ёднома

## ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Яратганининг биз ожиз бандаларига марҳамати кенг ва улғу. Хоҳлаганимиздек яшашимиз, меҳнат қилишимиз мумкин. Амо улим ҳақ. Бешафат улим ормиздан ажойиб инсон, оқил раҳбар, меҳрибон она Назира Раҳматовани бевақт олиб кетди.

Назира Раҳматова 1951 йилнинг 27 июлида Юқоричирчиқ туманида дехон оиласида дунёга келди. Урта мактабни тугатгандан сўнг 1970 йили Янгибозор алоқа тармоғида оператор бўлиб иш бошлади. Ишдан ажралмаган ҳолда, Тошкент Алоқа коллежида таҳсил олди. Меҳнатсеварлиги боис, жамоа ва аҳоли уртасида обрў-эътибор топди. Янгибозор

алоқа тармоғида инструктор, оператор, бошлиқ уринбосари каби вазифаларда хизмат қилди. Унга 1992 йили юксак ишонч билдирилди — «Тошкент почтаси» ҲЖнинг Янгибозор филиалига директор этиб тайинланди. Мана шу даврда Назира Раҳматова бутун борлиги билан ишга шунгиди. Сай-ҳаракатлари бесамар кетмади. У 1999 йили давлатимизнинг «Шухрат» медалига сазовор бўлди.

Назира Раҳматованинг амалга оширмакчи бўлган режалари, орзу-умидлари кўп эди...

Яратгандан унинг охиратини обод қилишни, руҳини шод айлашни сураймиз.

**ҲАМКАСБ ДЎСТЛАРИ**

**Давлат Алоқа инспекцияси жамоаси Сирдарё вилояти давлат алоқа инспекцияси инспектори Олимжон Мамажоновга умр йўлдоши**

**Ёдгорой опа МАМАЖОНОВАНИНГ**

**бевақт вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.**

## СПИСОК ЛИЦЕНЗИЙ НА ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ УСЛУГ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ, ВЫДАННЫХ УЗБЕКСКИМ АГЕНТСТВОМ ПОЧТЫ И ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ (МИНИСТЕРСТВОМ СВЯЗИ РУз) ПО СОСТОЯНИЮ НА 30.12.99г.

№ Проектирование и строительство сети сотовой радиосвязи (локально-транковая система) общего пользования				
п/п	2	3	4	
1	Общество с ограниченной ответственностью «VIOL»	3.06.99 г.	PT № 0000057	
2	Совместное узбекско-американское предприятие «Алекс Интер»	19.08.99 г.	PT № 0000059	
3	Общество с ограниченной ответственностью «HOST»	16.09.99	PT № 0000070	
Проектирование, строительство и эксплуатация сети сотовой радиосвязи (система беспроводного абонентского доступа) общего пользования				
п/п	2	3	4	
1	Акционерное общество открытого типа «Наманган Телеком»	23.09.99 г.	PT № 0000071	
№ Проектирование, строительство и эксплуатация сети персонального радиовызова общего пользования				
п/п	2	3	4	
1	Узбекско-Американское совместное предприятие «Камалак-ТВ»	5.08.96 г.	MC № 0009411	
2	Совместное Узбекско-Российское предприятие «Континенталь Линк»	28.08.96 г.	MC № 0009456	
3	Узбекско-Американское совместное предприятие «Радио Пейдж Семур»	28.08.96 г.	MC № 0009458	
4	Частная фирма «ВОСЕ ТЕГУЛЬ»	28.08.96 г.	MC № 0009459	
5	Совместное Узбекско-Британское предприятие «Шаш Коммуникайшн»	5.03.97 г.	MC № 0009507	
6	Общество с ограниченной ответственностью «Техника»	1.07.99 г.	PT № 0000058	
7	Частная фирма «Телеком-А»	10.07.97 г.	MC № 0009536	
8	Общество с ограниченной ответственностью «Телеком-Сервис»	3.06.99 г.	PT № 0000054	
9	Производственно-техническое предприятие «Far Page Co»	3.06.99 г.	PT № 0000055	
№ Проектирование и строительство сети персонального радиовызова общего пользования				
п/п	2	3	4	
1	Общество с ограниченной ответственностью «VIOL»	3.06.99 г.	PT № 0000057	
2	Общество с ограниченной ответственностью «HOST»	16.09.99 г.	PT № 0000069	
3	Акционерное общество «Алокаинвест»	28.08.96 г.	MC № 0009440	
№ Проектирование, строительство и эксплуатация сетей обработки и передачи данных				
п/п	2	3	4	
1	Ташкентская телеграфно-телефонная станция	17.11.99 г.	PT № 0000088	
2	Республиканская государственная сеть передачи данных «УзПАК»	17.11.99 г.	PT № 0000085	
3	Совместное узбекско-российское предприятие «Узвсвязьспутник»	28.08.99 г.	PT № 0000067	
4	Совместное узбекско-британское предприятие BUZTON	28.08.99 г.	PT № 0000065	
5	Общество с ограниченной ответственностью «Саркор Телеком»	28.08.99 г.	PT № 0000066	
6	Совместная узбекско-германская компания «ЧИРКОМ»	17.11.99 г.	PT № 0000087	
7	Общество с ограниченной ответственностью «Найтов»	17.11.99 г.	PT № 0000093	
8	Общество с ограниченной ответственностью «Комуз Азия»	17.11.99 г.	PT № 0000090	
9	Центральный Банк Республики Узбекистан	17.11.99 г.	PT № 0000086	
10	Национальный Банк внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан	17.11.99 г.	PT № 0000084	
11	Общество с ограниченной ответственностью «Латекс-Сервис»	17.11.99 г.	PT № 0000091	
12	Общество с ограниченной ответственностью «Компьютер Коммуникатсия»	17.11.99 г.	PT № 0000089	
13	Частная фирма «TV-Info»	3.12.98 г.	PT № 0000039	
14	Общество с ограниченной ответственностью «GLOBALNET»	26.03.99 г.	PT № 0000049	
15	Совместное узбекско-арабское предприятие «Ист Линк Компани ЛТД»	26.03.99 г.	PT № 0000052	

(Продолжение следует).

## БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Ироқлик бир бадавлат одам бола-чақаси билан ҳаж зиёратига борибди. Бироқ борган кунининг эртасиёқ ҳамён тула пулини йўқотиб қўйибди. Ўз вақтида бой булган уша киши энди мусофир юрда ҳеч нарсасиз қашшоқ бўлиб қолибди.

— Энди нима қиламан, Худойим?... — деб яратганга илтижо қилибди.

Каъба атрофида айланиб йўғлайверибди. Аллоҳдан мадад сурай-сурай кунни кеч қилибди. Меҳмонхонага қайтибди-да, ётиб ухлабди. Тонг маҳали туш курибди. Тушида пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом саллोलлоҳи алайҳи васаллам внарида бир одам билан келиб: «Сизга мана шу киши ёрдам қилади», — дебдилар. «Ажабо...» — дебди пул йўқотган одам уйқудан уйғониб ва масжидга бориб намоз ўқибди. Кейин масжиддан чиқиб кетаётса, тушида пайғамбаримиз билан бирга булган одам рупарадан келаятган эмиш. У ўн

минг доллар пулни қўлига тутқазиб, ортига қайтиб кетибди. Ироқлик киши уша пул ёрдамида ҳаж зиёратини тула-тўқис бажариб, бола-чақаси билан юртига қайтиб кетибди. Орадан бир неча йил ўтгач, ҳалиги ўз мададкорини масжидда учратиб қолибди. У билан кўчоқлашиб қуришибди-да:

— Э биродар, мени мусибатдан қутқардингиз, энди уша қарзингизни олиб қўйинг, — деб чунтагидан пул чиқарибди.

— Йўқ, олмайман, — дебди мададкор одам, — пул закот эди. Ҳажга борганимда муҳтож одамга бераман деб олиб юрган эдим. Кимга берсам экан деб ўйлаб юрганимда тушимда пайғамбаримизни кўрдим. У киши Сизни кўрсатиб: «Пулингизни шу одамга беринг», — деб айтдилар. Мен Расулulloҳнинг айтганларини бажардим.

Бу ҳақда ўз вақтида бир неча араб газеталари хабар берган экан. Бунга нима дейсиз?

## ИККИ МУЛЛА

— Кейинги вақтларда кўзларим хиралашиб қоляпти, — дебди биринчи мулла.  
— Нега? — деб сурабди иккинчи мулла.

— Назаримда китобни кўп ўқиганимдан бўлса керак.  
— Биласизми, — дебди иккинчи мулла. — Меники аксинча. Авваллари

кўзларим хирароқ эди. Китобни кўп ўқийверганимдан кўзларим катта-катта очилиб, борган сари равшан тортияпти.

## БЕҚАНОАТ БАНДА ВА ҚАНОАТЛИ ЭШАК

Қадим замонларда бир камбағал деҳқон ўтган экан. Унинг бисотида эшагидан булак арзигулик мол-мулки йўқ экан. Бир кун у эшагига юк ортиб, устига ўзи ҳам миниб кетаётиб нола қилибди:

— Эй Худо, акамга шўхона қаср бердинг, укамга ажойиб бог бердинг. Менга мана шу эшакдан булак ҳеч қанақа давлат бермадинг-

ку. Шу ҳам адолат бўлдимми?..

Шунда эшак тилга кириб, танбех берибди: — Эй ношукр инсон! Нега нолийсан... Ахир устингда юкинг йўқ-ку. Мендан ибрат олсанг бўлмайди? Ҳам юкингни, ҳам узингни кўтариб кетяпману, шунга ҳам шукр қиляпман.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ



Йўл бошида бахтини кутиб Муштоқ эди қишининг сўзига:

Табиатнинг шўҳлиги тутиб Қор ташлади ернинг юзига.

Қашқадарё радио-телевидение узатиш Маркази жамоаси ва касаба уюшмаси кўмитаси Марказ бошлиғи Аллоназар АБДУЛЛАЕВНИ 54 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга узок умр, мустахкам соғлиқ, ишларида улкан зафарлар тилайди.

«Қашқадарё почтаси» ХЖ жамоаси хиссасдорлик жамиятининг бош ҳисобчиси Ҳалимаҳон НУФТУЛЛАЕВНИ 50 ёши билан

## ТАВРИКАЛАЙМИЗ!

қизгин кутлайди. Унга тансиҳатлик, оилавий бахт-саодат, баркамоллик тилайди.

«Самарқанд Телеком» шўъба корхонаси 36 йилдан буён алоқа тизимида самарали меҳнат қилиб келаятган, Тайлоқ туман филиалининг техник директори Искандар ШОКИРОВНИ кутлуг 60 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга узок

умр, бардамлик тилайди.

«Фаргона почтаси» ХЖнинг Лангар филиали жамоаси Пахтакор алоқа бўлими бошлиғи Холматжон ҚУРБОНОВНИ 60 ёши билан кутлайди. Унга тансиҳатлик, хонадонига файзу-барак тилайди.

«Андижон Телеком» хиссасдорлик жамияти раҳбарияти ва Андижон ви-

лоят электралоқа лабораторияси бошлиғи Келдибой АХМЕДОВНИ муборак 50 ёши билан самимий кутлайди.

Тошкент электротехника Алоқа институти жамоаси институт ётоқхоналари комендантлари Наима Умаровна СОДИҚОВА ва Татьяна Петровна ШИРОКОВАНИ 50 ёши билан самимий кутлаб, уларга сихат-саломатлик тилаб қолади.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:

Шодмон ОТАБЕК

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**  
Шомансур ОБИДУЖАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТўЛЕБОВ  
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Самдамаҳмуд АКБАРОВ  
Шохрух АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛЕФОННИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятга келган кўлбазмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.  
Рўйхатга олинган №00011. Буюротма № Г-132. 8922 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШИРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.**  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш — 19.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

## БУ ~ ҚИЗИҚ!

Атомларнинг парчаланиши туфайли уртага чиққан «Термо-ядровий куч» фикрини фанда илк бор Жобир ибн Ҳаййон зълон қилган.

Ньютондан бир неча аср аввал, тўққизинчи асрда «Дифференциал ҳисоб»ни Собир ибн Қурра кашф этган.

IX асрда яшаган ал-Киндий Эйнштейндан минг йил илгари «Изофий физика ва изофийат назарияси»ни яратган.

Юртдошимиз ал-Хоразмий IX асрда «Ал-Жабр валмуқобала» номли алгебрага оид китоб ёзган.

X асрда тригонометриянинг илк кашфи Ал-Баттонига оид-дир.

Илк «рак амалиёти»ни X асрда, яъни бундан минг йил илгари жарроҳ Али ибн Аббос утказган.

Ернинг айланишини Галилейдан 600 йил аввал исботлаган ва изоҳлаб берган олим Абу Райҳон Берунийдир.

